

ISSN 2181-0000  
Doi Journal 10.26739/2181-0000

# JOURNAL OF MAMUN SCIENCE



Volume 4, Issue 4 **2026**



ISSN 2181-0000  
Doi Journal 10.26739/2181-0000



# «MAMUN SCIENCE» JURNALI

4 JILD, 4 SON

ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE»

TOM 4, HOMEP 4

JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

VOLUME 4, ISSUE 4



TOHKENT-2026

# «MA'MUN SCIENCE» JURNALI

ЖУРНАЛ «МА'МUN SCIENCE» | JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

№4 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0000-2026-4>

Бош мухаррир: | Главный редактор:  
Chief Editor:

**Matyakubov Umidjon Raximovich**  
(i.f.d., prof.)

Бош мухаррир ўринбосари: | Заместитель  
главного редактора: | Deputy Chief Editor:

**Xudonazarov Egambergan Madrahimovich**  
(PhD., dots.)

## TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

### FILOLOGIYA FANLARI

**O'rozboyev Abdulla Durdibayevich**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

**Axmedov Oybek Saporboyevich**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

**Galiyeva Margarita Rafaelovna**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

**Nasrullayeva Nafisa Zafarovna**

Filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Samarqand davlat chet tillari instituti

**Cho'ponov Otanazar Otojovich**

Filologiya fanlari doktori (DSc)

Urganch davlat universiteti

**Yakubova Matluba Tajibayevna**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

**Matnazarov Javlanbek Kabulovich**

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### TARIX FANLARI

**Anatoliy Sagdullayevich Sagdullayev**

Tarix fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi Fanlar

akademiyasining haqiqiy a'zosi

**Ashirov Adhamjon Azimbayevich**

Tarix fanlari doktori, professor,

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasi Tarix instituti.

**Shaydurov Vladimir Nikolayevich**

Tarix fanlari doktori, dotsent

Leningrad davlat universiteti Rossiya

**Abdullayev Utkir Ismoilovich**

Tarix fanlari doktori (DSc),

dotsent Urganch davlat universiteti

**Matkarimova Sadoqat Maqsudovna**

Tarix fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

**Abdullayev Timur Pulatovich**

Tarix fanlari nomzodi, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

**Abdalov Umidbek Matniyazovich**

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

**Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li**

Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),

Dotsent Ma'mun Universiteti NTM

### PSIXOLOGIYA FANLARI

**Shoumarov G'ayrat Baxromovich**

Psixologiya fanlari doktori, professor; akademik

O'zbekiston Respublikasi

Fanlar akademiyasining haqiqiy a'zosi

**Kryukova Tatyana Leonidovna**

Psixologiya fanlari doktori, professor

Kostroma davlat universiteti Belorusiya

**Karpinskiy Konstantin Viktorovich**

Psixologiya fanlari doktori, professor

Grodno davlat universiteti Belorusiya

**Urazbayeva Dilbar Abdullayevna**

Psixologiya fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

**Jumaniyazova Nasiba Ramatillayevna**

Psixologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

**Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna**

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

### IQTISODIYOT FANLARI

**Ruzmetov Baxtiyar**

Iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ma'mun Universiteti NTM

**Sherov Alisher Bakberganovich**

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), professor

Ma'mun Universiteti NTM

**Voronsova Yuliya Vladimirovna**

Iqtisodiyot fanlari nomzodi

Moskva davlat boshqaruvi universiteti

**Jabborov Umarbek Rustambekovich**

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

**Cho'ponov San'at Otanazarovich**

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

**Niyazmetov Islambek Masharipovich**

Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

## PEDAGOGIKA VA FALSAFA FANLARI

### **Sardor Sharifzoda O'razboy Tabib o'g'li**

Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), professor

Ma'mun Universiteti NTM

### **Adilov Zafar Yunusovich**

Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Ma'mun Universiteti NTM

### **Boltayev Abdurahim Amanovich**

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

### **Zoirov Erkin Xalilovich**

Falsafa fanlari doktori, dotsent

Buxoro davlat texnika universiteti

### **Nurullayeva Baxtigul Bobojonovna**

Psixologiya fanlari nomzodi, dotsent Ma'mun

Universiteti NTM

## TIBBIYOT FANLARI

### **Yuldashev Baxrom Sobirjanevich**

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Ma'mun Universiteti NTM

### **Abdullayev Ravshanbek Babajonovich**

Tibbiyot fanlari doktori, professor

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Esamuratov Aybek Ibragimovich**

Tibbiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Samandarova Barno Sultonovna**

Biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

### **Tajiyeva Zebo Baxodirovna**

Tibbiyot fanlari falsafa doktori (PhD)

Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali

## ILMIY JURNAL TEXNIK KOTIBI

### **Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li**

Ma'mun Universiteti NTM

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением № 01-08/3068/17 от 27 сентября 2024 г.

Page Maker | Верстка | Саифаловчи: X. Mirzaxmedov

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Тадqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

IQTISOD

<b>1. Odilbekova Xonimjon Jahongir qizi. Rudenko Inna Yurevna.</b> QATTIQ MAISHIY CHIQUINDILARNI QAYTA ISHLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH: XORIJYIY TAJRIBA VA O‘ZBEKISTON UCHUN ISTIQBOLLAR.....	8
<b>2. S.M.Raximova. V. M. Baxtiyarova.</b> RAQAMLI TRANSFORMATSIYALASHUV JARAYONIDA TIBBIY XIZMATLAR KO‘RSATISHNI MOLIYALASHTIRISHNING AYRIM MASALALARI.....	13
<b>3. S. Allayarov.</b> MINTAQA IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA STARTAP LOYIHALARDAN FOYDALANISHNING XORIJ TAJRIBASI.....	16
<b>4. Matyoqubov Arslonbek G'ayrat o'g'li.</b> EKSPORT INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISHNING MINTAQA RAQOBATBARDOSHLIGIGA TA’SIRI (XORAZM VILOYATI MISOLIDA).....	20
<b>5. Matkarimov Feruz Bekturdiyevich.</b> MINTAQA TO‘QIMACHILIK MAHSULOTLARINING GLOBAL BOZORDA RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI.....	27
<b>6. Yulduz Yaqubova Raimovna.</b> OZIYQ-OVQAT SANOATIDA TEXNIKA TARAQQIYOTI, INNOVATSION TRANSFORMATSIYA VA UNING IQTISODIY SAMARADORLIGI.....	33
<b>7. Masharipova Xosiyat Matrasulovna. Xalbayeva Maftuna.</b> XORAZM VILOYATI IQTISODIYOTIDA EKOLOGIK OMILLAR VA BARQAROR HUDUDIY RIVOJLANISH MASALALARI.....	38
<b>8. Sattarova Dilfuza Dilshodbekova.</b> O‘ZBEKISTONDA ISLOM MOLIYASI FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI.....	43
<b>9. Ismailova Gulruh Faxriddinovna.</b> INSON KAPITALIGA INVESTITSIYALAR VA HUDUDIY IQTISODIY NOMUTANOSIBLIK: MOLIYALASHTIRISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI.....	48
<b>10. Jumaniyazova Sharifa Rashidovna.</b> TURISTIK MAHSULOTLAR BOZORIDA MARKETING STRATEGIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-USLUBIY ASOSLARI.....	54
<b>11. Li Yang.</b> EDIGITAL SILK ROAD AND SUSTAINABLE TOURISM: ANALYZING THE ADAPTATION OF CHINESE DIGITAL PLATFORMS IN UZBEKISTAN.....	58
<b>12. Sharipova Asaloy. Rudenko Inna Yurevna.</b> THE EFFECTIVENESS OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN WATER RESOURCE MANAGEMENT.....	64

**13. Турдиева Якитжан Хайитбаевна.**

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ СИСТЕМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЁРСТВА (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН).....68

**14. Djumaniyazov Farruxbek Abdulla o'g'li.**

XORAZM VILOYATIDA IQLIM O'ZGARISHI VA INSTITUTIONAL OMILLARNING MINTAQAVIY BARQAROR EKOLOGIK-IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRI.....72

**TARIX**

**1. Дилафруз Ийманова Абдиманнобевна.**

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КАДРЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ, МОДДИЙ АҲВОЛИ: МУАММОЛАР ВА САБОҚЛАР (1925-1941 ЙИЛЛАР).....79

**2. Ahmadjonova Inobat Baxodir qizi.**

MOHENJO-DARO VA HARAPPA SIVILIZATSIYALARINING PAYDO BO'LISHI VA TARAQQIYOTI.....88

**3. Otamuradova Roviyaon Olimboyevna. Joldasova Ozoda Ergash qizi.**

MUSTAQILLIK YILLARIDA MILLIY O'ZLIKNI ANGLASH, VATANIMIZNING QADIMIY VA BOY TARIXINI O'RGANISH.....92

**4. Saotboyev Rahmatjon Madamin o'g'li.**

XORAZM VOHASIDA IBTIDOIY SAHNAVIY UNSURLAR VA MAROSIMIY TOMOSHALAR: IJTIMOIIY-MADANIY VA TARIXIY ASOSLAR.....95

**5. Саидов Шавкат Жумабаевич.**

XX АСРНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТАН ОЛИНИШИДА БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ЎРНИ.....100

**6. Salayev Umrbek Kadambayevich.**

QUYI AMUDARYO HUDUDIDA TOSH VA NEOLIT DAVRLARIDA IJTIMOIIY-IQTISODIY MUNOSABATLARNING SHAKLLANISHI.....106

**7. Safarov Tolib Todjiyevich.**

XIVA XONLIGIGA KO'CHIB KELGAN TURKMAN URUG'LARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....111

**8. Atadjanova Dilnoza Ganiyevna.**

JANUBIY XORAZM HUDUDINING ARXEOLOGIK TADQIQOTLARDA O'RGANILISH TARIXI.....116

**FILOLOGIYA**

**1. Xusainova Shaxnozabonu Ergashevna.**

ABU RAYHON BERUNIYNING "OSOR UL-BOQIYA" ASARI VA UNING INGLIZ TILIGA TARJIMASIDA SHARQ RUHI HAMDA KONTEKSTUAL O'ZIGA XOSLIKNI SAQLASH..121

**2. B.Q. Sapayeva.**

O'ZBEK TILI GEMERONIMLARINING SHAKLLANISHI VA TARAQQIYOTI.....125

- 3. Sobirova Gulasal Zokir qizi.**  
THEORETICAL APPROACH TO LINGUISTIC-COGNITIVE APPROACHES IN MODERN LINGUISTICS.....129
- 4. Mokhinur Murodova Azamat qizi.**  
ABBREVIATION AND INTERNET SLANG USAGE AMONG MDIST STUDENTS IN VIDEO GAMES AND ONLINE CHATS.....136
- 5. Yusupova Soxiba Islombek qizi.**  
INGLIZ VA O‘ZBEK BOLALAR SHE’R VA QO‘SHIQLARIDA EMOTSIONAL BO‘YOQDOR SO‘ZLAR.....143
- 6. Sarodbekov Sherzodbek Saforboyevich.**  
BADII ASAR USLUBINI QAYTA TIKLASHDA MUTARJIM MAS’ULIYATI (E. HEMINGWAYNING “TO HAVE AND HAVE NOT” ASARI VA UNING TARJIMASAI MISOLIDA).....147

## PEDAGOGIKA

- 1. Rajabov Shaxzodbek Baxrom o‘g‘li.**  
UMUMIY PEDAGOGIK TAYYORGARLIK JARAYONIDA BO‘LAJAK MUSIQA O‘QITUVCHISINING BADIY MAHORATINI OSHIRISH.....153
- 2. Davletov Mayliboy Yusupovich.**  
O‘ZBEK CHOLG‘U IJROCHILIGI TARIXINI O‘RGANISH ORQALI TALABALARNING MUSIQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI.....161
- 3. Abdirimova Shoxsanam Xudayberganovna.**  
VERIFIKATSIYA TAMOYILINING PEDAGOGIK JARAYONDAGI MOHIYATI.....166
- 4. Allamuratova Xurliman.**  
TA'LIM KONSEPSIYASINING MOHIYATI VA METODIKADAGI O‘RNI.....170
- 5. Sharipov Allabergan Kamilovich.**  
JISMONIY TARBIYA VA SPORT YO'NALISHI BITIRUVCHILARINING KASBIY-PEDAGOGIK TAYYORGARLIK DARAJASINI ISH BERUVCHILAR BAHOSIGA KO'RA TAHLIL QILISH: SO'ROVNOMA ASOSIDA EMPIRIK TADQIQOT.....176
- 6. Jammатов Jasurbek Sharipovich. Komilova Olima Allabergan qizi.**  
TAYYORGARLIK DARAJASINI KROSS-FIT MASHG‘ULOTLARI ASOSIDA RIVOJLANTIRISH: DOLZARBLIK VA ISTIQBOLLAR.....183
- 7. Ким Татьяна Сергеевна.**  
СТРАТЕГИИ ОБУЧЕНИЯ ИЕРОГЛИФИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКЕ В КОРЕЙСКОМ ЯЗЫКЕ...189

## PSIXOLOGIYA

- 1. Jumaniyazova Ilmira Kamiljanovna. Sobirova Xosiyat Rustambekova.**  
BOSHLANG‘INCH SINIF O‘QUVCHILARNING XOTIRASINING NEYROPSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....195
- 2. Xashimova Sayyora Xolmuradovna.**  
IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALARDA EMOTSIONAL ZO‘RIQISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....199
- 3. Allayarov Dilshod Raximboy o‘g‘li.**  
ERKIN KURASHCHILARDA MUSOBAQA OLDI EMOTSIONAL HOLATLARINING MOTIVATSION JARAYONLARGA TA’SIRI.....203

Саидов Шавкат Жумабаевич  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
профессор вазифасини бажарувчи,  
тарих фанлари доктори (DSc)  
shavkatsaidov63@gmail.com

## XXSRНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТАН ОЛИНИШИДА БОБООХУН САЛИМОВНИНГ ЎРНИ



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20157392>

**Annotatsiya.** 1920 йил 2 - февралда Хива хонлиги тугатилгач, унинг ўрнида шу йили 26 апрель куни Хоразм халқ совет республикаси (XXСР) ташкил қилинғди. Мазкур мақола XXСРнинг мустақил давлат сифатида халқаро майдонда тан олинishi билан боғлиқ илмий муаммога бағишланган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, Хива жадиidlари ташкил қилган XXСРнинг халқаро майдонда мустақил давлат сифатида тан олинishi билан боғлиқ масаланинг ҳуқуқий, сиёсий ва дипломатик жиҳатлари ёритилган. XXСРнинг халқаро тан олинishiда мохир дипломат, давлат арбоби бўлган, Хоразмнинг мард ўғлони Бобоохун Салимовнинг хизматлари очиб берилган. Мақолада мустақиллик йилларида шаклланган, Ўзбекистон тарихини ҳар томонлама холис ва илмий жиҳатдан мукамал ва тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритиш тадқиқот методологияси асос сифатида қўлланилди.  
**Калит сўзлар:** Хива хонлиги, совет Россияси, XXСР, Конституция, дипломат, халқаро муносабатлар, делегация, шартнома

Саидов Шавкат Жумабаевич  
Ташкентский государственный университет востоковедения  
исполняющий обязанности профессора  
доктор исторических наук (DSc)  
shavkatsaidov63@gmail.com

## ЗАСЛУГА БАБААХУНА САЛИМОВА В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРИЗНАНИЕ ХНСР

**Аннотация.** 2 февраля 1920 года, после упразднения Хивинского ханства 26 апреля того же года на его место была образована Хорезмская народная советская республика (ХНСР). Данная статья посвящена научной проблеме международного признания ХНСР, как независимого государства. Актуальность темы заключается в том, что в ней впервые освещаются правовые, политические и дипломатические аспекты вопроса международного признания ХНСР, основанной Хивинскими джадидами, раскрываются заслуги Бабаахуна Салимова, опытного дипломата, государственного деятеля и храброго сына Хорезма в международном признании ХНСР. В статье используется методология исследования, сформировавшаяся в годы независимости, и ставится цель обеспечить всестороннее,

объективное, научно обоснованное и исторически достоверное освещение истории Узбекистана

**Ключевые слова:** Хивское ханство, советская Россия, ХНСР, Конституция, дипломат, международные отношения, делегация, договор

Saidov Shavkat Jumabaevich  
Tashkent state university of oriental studies  
acting professor,  
Doctor of historical sciences (DSc)  
shavkatsaidov63@gmail.com

## THE MERIT OF BABAAKHUN SALIMOV IN THE INTERNATIONAL RECOGNITION OF THE KHNSR

**Abstract.** Following the abolition of the Khiva Khanate on February 2, 1920, the Khorezm People's Soviet Republic (KhPSR) was established on April 26 of that year. This article examines the scholarly issue of international recognition of the KhPSR as an independent state. The topic is particularly relevant because it provides the first insight into the legal, political, and diplomatic aspects of the international recognition of the KhPSR, founded by the Khiva Jadids. The contributions of Babaakhun Salimov, an experienced diplomat, statesman, and courageous son of Khorezm, to the international recognition of the KhPSR are explored. The article uses a research methodology that was formed during the years of independence and aims to provide a comprehensive, objective, scientifically based and historically accurate coverage of the history of Uzbekistan

**Key words:** Khiva Khanate, soviet Russia, KhNSR, Constitution, diplomat, international relations, delegation, treaty

**КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ(Introduction) (Введение).** Хоразм – ўзбек давлатчилиги ва маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қадимий ўлкадир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай деган эдилар: “Хоразм деганда, жаҳон илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилган бектакроп бир ўлка кўз олдимизга келади”[1.241]. Тадқиқотнинг мақсади Хоразм худудларида ўзбек давлатчилигининг охири босқичи бўлган Хоразм халқ совет республикасининг ташкил қилиниши ва халқаро миқёсда тан олинishi борасида маҳаллий ватанпарварларнинг матонатли кураши тарихини ёритишдир. 1920 йил 2 – февралда “Ёш хиваликлар” бошчилигида Хива хонлиги ағдарилиб, илк бора миллий - демократик давлат, ХХСР ташкил қилинади. Хоразм жаҳидлари учун мамлакатнинг кейинги тараққиёт йўлини танлаш, уни халқаро миқёсда тан олинishiга эришиш асосий масалага айланган. Тадқиқотнинг долзарблиги ХХСРсининг дастлабки даврларида Бобоохун Салимов бошчилигида хоразмлик жаҳидларнинг қўшни ва узоқ давлатлар билан ўрнатган дипломатик муносабатлари ва олиб борган ташқи алоқаларини ўрганишнинг зарурати билан белгиланади. Бунда, мохир дипломат, давлат арбоби ва ватанпарвар шахс бўлган Бобоохун Салимовнинг алоҳида хизматларига эътибор қаратилади.

**METHODLAR VA O'RGANILISH DARAJASI (Material and methods) (Степень изученности темы и методы.)**

Муаоммани ёритишда тарихийлик, илмийлик ва холислик тамойилларидан, тарихий-қийёсий, хронологик-даврий, тизимли-таҳлил усулларидан фойдаланилди. Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихини ўрганиш нафақат минтақавий, балки, геосиёсий миқёсда жараёнларни англаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш салоҳиятини талаб қилади. Шу жиҳатдан юқорида қайд қилинган тадқиқот усулларидан фойдаланиш ўрганилаётган мавзунини ҳозирги кун нуқтаи - назаридан чуқурроқ тушуниш ва ёритиш имконини беради.

Мақолада кўтарилган муаммо доирасида хорижлик ва миллий тадқиқотчилар маълум даражада ўз муносабатини билдиришган. Хорижда ва совет тарихшунослигида ушбу масалага қизиқиш асосан XX асрнинг ўрталаридан кучайди. А. Park, R.Pierce, S. Becker каби Ғарб тадқиқотчилари Хива хонлигининг ағдарилиши ва ХХСРнинг ташкил қилиниши масаласига асосий эътиборни қаратишган. S.Becker қисман Хоразм – Россия муносабатларини ёритган. А. Содиқов, У.Тохтаханов, И.Погорельский, У.Тўхтаматов каби совет тадқиқотчиларининг изланишлари асосан Хива хонлигининг Россия империяси ва совет Россияси билан, мазкур Россия давлатларининг ХХСР билан алоқаларига бағишланган. Кейинги йилларда хорижда мазкур масала юзасидан хорижда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Америкалик тарихчи Адиб Холид Ўзбекистоннинг ташкил қилинишига бағишланган асарида XX асрнинг бошларида Хоразмда рўй берган жараёнлар миллий тараққиёт тарафдорлари билан, большевиклар ўртасидаги кураш нуқтаи-назаридан таҳлил қилади. Италиялик олим В.Marco, инглиз тарихчилари D. Brover, A.Morrison 1910-1920 йилларда Туркистон ва Хоразмда рўй берган тарихий жараёнларни ўрганишган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олимларидан Н.Полвонов, Б.Кошанов, Д.Мадаминаова, Н.Раҳимовлар ўз тадқиқотларида шу даврда рўй берган умумий тарихий жараёнларни янги, истиқлол талаблари асосида баён қилишган.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур тадқиқотларда ХХСР ининг халқаро майдонда тан олинishi, ташқи алоқаларнинг йўлга қўйилиши, бошқа давлатлар билан дипломатик алоқаларнинг ўрнатилишида Бобоохун Салимовнинг роли каби масалалар махсус ўрганилмаган.

#### **NATIJALAR VA MUHOKAMA (Results and discussion) (Результаты и обсуждение)**

Бобоохун\* Салимов, Туркистонда жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намоёндаларидан бўлган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) - II (1864-1910) даврида Қози калон лавозимида ишлаган Салимохун оиласида тўғилган. Хива шаҳридаги Оллоқулихон мадрасасида таҳсил олган. 1910-1918 йилларда Хива хони Асфандиёрхон (1910-1918) даврида Шайхулислом ва Қозикалон лавозимларида фаолият олиб борган. Ўз даврининг ўқимишли шахсларидан бўлиб, араб, форс ва рус тилларида сўзлаша олган. Бобоохун Салимов гарчи, хонликда юқори табақа – элитага мансуб бўлсада, ХХ Хоразмда маърифий йўналиш, жадидлар ҳаракатида фаолиятида иштрок этади. 1917 йил баҳорида Хива хонлигида амалга оширилган ижтимоий - сиёсий ислохотлар натижасида мамлакатда чекланган монархия шаклидаги бошқарув тартиби ўрнатилади[2.141]. Халқ томонидан сайланган Миллий мажлис – “Адлия маҳкамаси” тузилиб, унга раис қилиб Бобоохун Салимов сайланган[3.141]. Бобоохун Салимов ушбу лавозимда 1917 йил август ойигача ишлаган. Хива 1917 йил кузига келиб Хивада маърифатпарларга қарши бошланган қатағон боис, Бобоохун Салимов 1918-1920 йилларда совет ҳокимияти тасарруфида бўлган Тўрткўл шаҳрида яшашган мажбур бўлади. 1920 йил 2-февралда Хива хонлиги ағдарилгач, Хоразмга қайтиб келади ва янги давлат қурилишида фаол қатнашади.

Хоразмлик маърифатпарварлар ташабусси билан 1920 йил 27–30 апрель кунлари Хива шаҳрида Бутун Хоразм меҳнаткашлари вакилларининг биринчи қурултойида Хива хонлиги ўрнига Хоразм халқ совет республикаси ташкил қилинганлиги расман эълон қилинади[4.40]. Қурултойда 37та моддадан иборат асосий қонун — Хоразмнинг биринчи конституцияси қабул қилинади[5.41-46]. Қонуннинг 9-бандига мувофиқ Хоразм республикаси Ташқи ишлар нозирлиги ташкил қилинади[6.41-46]. Қурултойда ўн беш кишилик ижро ҳокимияти — ХХСР ҳукумати тузилади[7.17]. Ҳукумат раиси этиб таниқли жадид арбобларидан Полвонниёз Ҳожи Юсупов, ташқи ишлар нозир лавозимига эса туркман жамоаларининг вакили бўлган Мулла Ўрозхўжа Муҳаммедов сайланади[8.17]. Бобоохун Салимов адлия нозир лавозимига лойиқ кўрилади. Хоразм республикаси раҳбарияти, энг аввало, совет Россияси билан дўстона алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилади. 1920 йил 29 апрель куни Хоразм халқ вакилларининг биринчи қурултойида Россияга делегация жўнатиш ҳақида қарор қабул қилинади[9.12].

РСФСР билан музокаралар олиб бориш учун Бобоохун Салимов раҳбарлигида делегация ташкил қилинади [10.602]. Бобоохун Салимов делегация раҳбари сифатида совет Россия раҳбарияти билан бўладиган музокараларга жиддий тайёргарлик кўради. Бобоохун Салимов ХХСР ҳукумат делегацияси фаолиятини ўз хотираларида батафсил ёзиб қолдирган. Ушбу хотираларни ХХСР Нозирлар кенгаши раиси, Хоразм ва Туркистон жаҳидларининг етакчиларидан бўлган Полвонниёз Юсупов 1926 йил ёзган “Хотиралари”нинг 233-345 бетларида “Саёҳатнома” сифатида эълон қилган. Бобоохун Салимов ўз хотираларида делегация Москвага 28 июлда етиб келган деб ёзади[11.238]. ХХСР делегацияси РСФСР томонидан Россия ташқи ишлар вазири В. Чичерин, унинг ўринбосари Л. М. Карахан ва бошқа вакиллар томонидан 1920 йил июль ойининг охирларида қабул қилинган. Совет давлати раҳбарияти билан олиб борилган, узоқ давом этган ва ниҳоятда қийин кечган музокаралардан сўнг давлатлар ўртасида имзоланадиган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий шартномаларнинг матн лойиҳалари тайёрланади. Аммо, РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг вакиллари Ш. Измайлов, Л. М. Карахан ва бошқа совет раҳбарлари икки давлат ўртасида тузилажак шартнома матни Россия манфаатларига мос эмас, деган баҳонада келишув бандларига ўзгартириш киритишади. Кўпгина оғир шартлар билан, Хоразм худудидаги Россия империясига тегишли бўлган ва Хоразм халқининг меҳнати билан яратилган заводлар, аввалги матнда ҳеч қандай шартларсиз ХХСРга топширилиши назарда тутилган бўлса-да, янги лойиҳада совет Россиясига қайтариб бериш борасида махсус комиссия юбориш каби иловалар ҳам киритилган эди[12.282-290].

Бобоохун Салимов шартномаларга киритиладиган мазкур ўзгартиришлар советларнинг асл нияти қандай бўлишини тушуниб етади. Бобоохун Салимов: “...Агар бу сўзлар шартномага киритилса, Хоразм ҳақида генерал Кауфман ва Галкинлар ясаган шартномалардан минг маротаба ёмонроқ бўлгудек турур”[13.289] — деб РСФСР раҳбариятига кескин норозилигини билдириб, халқаро ҳуқуқ талабларига зид бундай адолатсизликни чек қўйишни талаб қилади. Шу куни хоразмдан келган делегация аъзолари олдида сўзлаб, шундай дейди: “...Ман бу иловалар қўшилган шартномага ҳаргиз қўл қўймасман. Чунки ман Хоразмнинг ер-сувлари ихтиёрини қўлларидан кетуб, қайтадан уларни асир ва мазлум қилмоққа асло рози бўлмасман, ман Қорахоннинг ёнида мажлис очилган вақтда ҳамма кучимни сарф этиб, иловаларнинг бутунлай бекор бўлмоғи учун ғайрат қилурман”[14.290].

Бобоохун Салимов РСФСР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Л. Карахан билан бўлган учрашувда ўз мақсадини янада аниқроқ ифодалайди: “...Агар мазкур иловалар бизнинг шартномамизга қўшилиб, ҳамма ерларга эълон этилуб тарқатилса, Русия шўролар ҳукумати Шарқ мамлакатлари халқлари олдида ҳеч обруй топа билмас деб ўйларман. Чунки ушбу иловаларни Шарқнинг бир ёш боласи кўрса ҳам билурким, бу шартноманинг Николай вақтида кичик мамлакатлар бирлан ясаган шартномалардан ҳеч фарқи йўқ турур”[15.290]. Бобоохун Салимов ўзининг юксак билимга, ақл-заковатга эга бўлган ҳуқуқшунос, дипломат, ўз халқининг ҳақиқий ватанпарвари эканлигини кўрсатди. РСФСР вакиллари унинг жасорати ва мантикий тафаккурига суянган фикрларини инкор қила олишмади. Большевикларнинг шартномаларга киритилаётган таклифларини ва “...ҳар бир иловани турлик далиллар бирлан рад қилдим”[16.291], — деб ёзади Бобоохун Салимов ўз хотираларида.

Бобоохун Салимов РСФСР ташқи ишлар халқ комиссари Г. Чичеринга ва РСФСР раҳбари В. И. Ленинга мурожаат қилиб,: “...Агар шартномамизнинг битгудек ихтимоли бўлмаса, бизларга юртимизга қайтмоққа руҳсат берсунларким, бизларга шартнома даркор эмас”[17.291], — деб яна ўз норозилигини билдиради. Шундан кейин РСФСР Халқ комиссарлар советининг раиси В.И.Ленин Бобоохун Салимовни Кремлда қабул қилади. Миллий кийимларда, Осиёдан ташриф буюрган Хоразм вакилининг билим ва заковати ҳақиқатан ҳам большевиклар доҳийсини ҳайрон қолдиради. Суҳбат рус тилида, таржимонларсиз бўлиб ўтади. Учрашув натижасида ХХСР вакиллариининг талаблари инобатга олинади. РСФСР ташқи ишлар халқ комиссари Г. В. Чичерин делегацияни алоҳида қабул қилиб, Россия ҳукумати ХХСР билан иловаларсиз, дастлабки келишилган матнда шартномаларни имзолашга рози эканлигини билдиради.

1920 йил 13 сентябрь куни РСФСР ва ХХСР ўртасида, биринчидан, “дўстлик” тўғрисида ҳар томонлама шартнома, иккинчидан, “иқтисодий битим”, учинчидан, “ҳарбий” шартнома имзоланди. Шартномаларни РСФСР ҳукумати томонидан РСФСР ташқи ишлар халқ комиссари Г. В. Чичерин ва унинг ўринбосари Л. М. Карахан, ХХСР томонидан Бобоохун Салимов, Мулла Ўрозхўжа Муҳамедов ва Мулла Нурмуҳаммад Бобоев имзоладилар[18.46-50].

ХХСР ва РСФСР ўртасида имзоланган бу шартномалар ёш республиканинг ўша йилларда амалга оширган ташқи иқтисодий алоқаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. ХХСР вакиллари, гарчи, Шарқдан келган кичик бир халқнинг манфаатларини ифодалашсада, музокаралар давомида советларнинг энг юқори мартабали раҳбарлари билан дадил, тенгма-тенг тортишув ва баҳс-мунозаралар олиб боришган. Бунда, Хоразм делегацияси аъзолари, айниқса, делегация раҳбари Бобоохун Салимовнинг ғайрат-шижоатга тўла ватанпарварлик позицияси туфайли ушбу шартномалар имзоланди. Бу эса ёш Хоразм республикаси дипломатиясининг халқаро майдонда эришган илк катта муваффақияти бўлди, дейишга тўла асосимиз бор.

Бобоохун Салимов Москвада ўзининг дипломатик фаолиятини давом эттириб, шу вақтда Россияга ташриф буюрган ва иш юритаётган кўпгина мамлакатлар дипломатик корпусларининг вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Бунда, Бобоохун Салимовнинг форс, араб тилларини билишини жуда қулай келади. Туркия вакиллари Нозим Содик, Ата Тули, доктор Пуватбек ва Туркия Республикасининг ҳарбий вазири Анвар пошшо билан учрашиб, турк биродарларининг Хоразм армияси ташкил қилинишида ёрдам беришларига келишишади. Шунингдек, Хоразм вакиллари Татаристон Республикаси ҳукуматининг раиси С. Саидалиев, Эроннинг Москвадаги элчиси Мирза Гушанг, Афғонистон вакили Муҳаммад Валихон билан учрашиб, ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатиш, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйиш масалаларида музокаралар олиб боришди, ҳатто, Афғонистон билан ўзаро элчихоналар очиш тўғрисида келишиб олинади[19.283].

Шу келишув асосида, Хоразмнинг олий ижро органи ҳисобланган Марказий ижроия кўмитасининг қарори билан ХХСРнинг Афғонистондаги дипломатик ваколатхонаси ўз ишини бошлайди. Қарорда:“Хоразм ва Афғонистон ҳукуматлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Афғонистонга Хоразм Республикасининг вакиллари жўнатилсин. Бобоохун қози Муҳаммадсалимов — элчихонага раҳбар, Мурад Тураев — ўринбосар, Абдулла Хўжа Абдирахимхўжаев — котиб қилиб тайинлансин”,[20.214] - деб ёзилган. Аммо, РСФСРнинг талаби билан Бобоохун қози Муҳаммадсалимов 1922 йилда Хоразмга чақириб олинади ва шу вақтдан ХХСРнинг Афғонистондаги элчихонаси ўз фаолиятини расмий равишда тўхтатади[21.71].

**ХУЛОСА.** XX асрнинг бошларида Туркистон ва Хоразмни қамраб олган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Хива хонлигидаги мавжуд тузумнинг ички сиёсати ва биринчиси жаҳон уруши таъсирида вужудга келган халқнинг оғир аҳволи даврида мамлакатни инқироздан олиб чиқиш ва маърифий - демократик давлат қуриш йўлини мақсад қилган шахслар пайдо бўлади. Бобоохун Салимов ана шундай инсонлардан эди. Машхур уламолардан ва бадавлат оиладан бўлсада оддий халқнинг ташвиши билан яшаган Бобоохун Салимов хоразмлик маърифатарварлар – “Ёш хиваликлар”нинг янги давлат қуриш ҳаракатида фаол иштрок этади. 1920 йил 26 апрель куни ташкил топган ХХСР тарих учун жуда қисқа муддат, атиги беш йилга яқин мавжуд бўлган бўлсада, маҳаллий ватанпарварлар фаол ҳаракат қилиб, ушбу давлатни халқаро майдонда мустақил давлат сифатида тан олиншига эриша олдилар. ХХСР Россия, Финландия, Украина, Туркия, Эрон, Афғонистон, Бухоро, Туркистон, Бошқирдистон, Озарбайжон каби давлатлар ва республикалар билан савдо-содик, дипломатик алоқаларни ўрнатишга муваффақ бўлди. Хоразм жадидларининг етакчиларидан бўлган Бобоохун Салимов ХХСРсининг ташкил қилиниши ва ташқи алоқаларни йўлга қўйилишида катта роль ўйнаган. Бобоохун Салимовнинг сайи - ҳаракатлари боис ХХСР РСФСР билан дипломатик алоқаларни ўрнатади ва ўзаро шартномаларни имзолашга муваффақ бўлади. Шарқ давлатлари вакиллари билан ҳам ўзаро алоқаларни йўлга

кўйиш мақсадида музокаралар олиб боради. 1921-1922 йилларда ХХСРнинг Афғонистондаги Консули (элчиси) лавозимида фаолият олиб борган. Бобоохун Салимовнинг халқаро майдондаги фаолияти ва дипломатия соҳасидаги муваффақиятлари ҳозирги авлодлар учун сабоқ мактабини ўтамоқда.

### Iqtiboslar/References/Сноски

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. — Тошкент:2017. — Б. 241.
2. Саидов Ш. XIX аср XX аср бошларида Хоразм-Россия муносабатлари. — Тошкент: 2024. — Б.141.
3. Саидов Ш. XIX аср XX аср бошларида Хоразм-Россия муносабатлари. — Тошкент: 2024. — Б.141.
4. Телеграмма первого Всехорезмского съезда представителей наркомучужестранных дел РСФСР Г.В.Чичерину о работе съезда. 30 пареля 1920 г. Сборник документов по истории ХНСР. — Ташкент: 1976. — С.40..
5. Временная конституция Хорезмской народной советской республики, принятая на I Всехорезмском курултае народных представителей. 30 апреля 1920 г. Сборник документов по истории ХНСР. — Ташкент:1976. — С.41-46.
6. Временная конституция Хорезмской народной советской республики, принятая на I Всехорезмском курултае народных представителей. 30 апреля 1920 г. Сборник документов по истории ХНСР. — Ташкент:1976. — С.41-46.
7. ЎзМА, фонд 71, рўйхат 1, иш 15, варақ 17.
8. ЎзМА, фонд 71, рўйхат 1, иш 15, варақ 17.
9. Маткаримов М. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иктисоди. — Урганч, 1993. — Б. 12.
10. ЎзМА, фонд 17, рўйхат 2, иш 24, варақ 602.
11. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч,2000. — Б. 238.
12. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000. — Б. 282–290.
13. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000. — Б. 282–290.
14. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000. — Б. 291–300.
15. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000.. — Б. 290.
16. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000. — Б. 291.
17. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000. — Б. 291
18. ЎзМА, фонд 71, рўйхат 1, иш 30, варақлар 46–50.
19. Юсупов П.Х. “Ёш хиваликлар” тарихи (“Хотиралар”). —Урганч, 2000. — Б. 283.
20. ЎзМА, жамғарма Р-71, руйхат-1, иш 3, варақ 214.
21. ЎзМА, жамғарма Р-71, руйхат-1, иш 25, варақ 71.

# «MAMUN SCIENCE» JURNALI

## ЖУРНАЛ «MAMUN SCIENCE» JOURNAL OF «MAMUN SCIENCE»

### Maqolani tayorlashda qo'yiladigan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 6 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qator muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qator sahafaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

### Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 6 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новой текст начинается со следующей строки, и статья состоит из 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

### Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 6 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].